

Ўн саккизинчи асрнинг саксонинчи йилларига келиб Тошкент ҳокимлари ўзаро урушиб, охири Шайхонтохур хўжаси Юнусхўжа шаҳар ҳокими килиб кўтарилди. Шу билан Тошкентда ягона сиёсий ҳокимият ўрнатилди. У 1716 йили Чимкент, Сайрам, Олтинтепа, Корабулок, Сарепан, Корамурт ва бошқа ўнга яқин шаҳар ва кишлоқларни, шунингдек, Катта жуз уруғларидан Уйсун, Санчкили, Сара, Сергели ва бошқа жойларни бўйсундирди. Шундан уч-тўрт йил кейин Юнусхўжа Улуг жузга ҳам юриш килиб, Туркистон ва унинг атрофидан то Чу дарёсигача бўлган майдонни Тошкент ҳукумати тасарруфига олди.

(Мираҳмад Мирхолдор ўгли, «Чимкент тарихи», Чимкент, 1997 йил, 21-бет)